



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (13.363)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ҲУДУДЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ БУТУН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10 февраль куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Сурхондарё вилояти иқтисодий салоҳияти, табиий бойликлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ана шу салоҳият ва имкониятларни халқимиз манфаатлари йўлида ишлатиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Вилоят иқтисодиёти барқарор суъратлар билан ривожланмоқда. Бунинг тасдиғини 2016 йилда яппи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз ўсгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тўпаланг гидроэлектростанцияси, Жаркўрган нефтни қайта ишлаш заводи, "Шаргун кўмир", "Ўжаикон туз" акциядорлик жамиятлари, "Хонжизза" кон-бойитиш мажмуаси каби йирик корхоналар вилоят саноатида етакчи ўрин тутмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 75,3 фоизни ташкил этмоқда. Мехнат билан банд аҳолининг 80 фоиздан зиёди айна шу соҳада иш юритмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарёга ташрифи давомида ўзининг сайловли дастурида вилоти иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича белгиланган режалар ижроси, шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечириди.

Дастлаб давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги "Gold Agro Fresh" агрофирмаси фаолияти билан танишиди.

Халқимиз фаровонлиги, юртимиз бозорларининг қишин-ёзин тўқилишига Сурхондарё фермер ва деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиздаги экин майдонларининг 7 фоизи мазкур вилоятга тўғри келади. Воҳа деҳқонлари юртимизда етиштирилаётган пахта ва галланинг 8-9 фоизини, мева ва сабзавотнинг 11 фоиздан зиёдини етказиб бермоқда.

Кейинги йилларда пахта майдонлари қисқартирилиб, қишлоқ ҳўжалиги таркибий ўзгариштирилгани натижасида мева-сабзавот етиштириш кўпаймоқда, уларни қайта ишлаш саноати ривожланмоқда.

"Gold Agro Fresh" агрофирмаси сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уларни экспорт қилишга ихтисослаштирилган истиқболли лойиҳалардан биридир. Қўй-матти 35 миллион АҚШ доллари бўлган корхонанинг замонавий иссиқхоналарида йилга 30 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, шунингдек, 1000 иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозир 20 гектарлик 15 блокда помидор, гулқарам, брокколи, руққоло ва ялпизнинг харидоригр навлари ўстирилмақда. 70 блокнинг барчаси ишга тушган, иссиқхоналарнинг умумий майдони 100 гектардан ошади. Бундан ташқари, 434 гектар ерда мавсумий экинлар экилиб, 23 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 2 минг 100 кишини иш билан таъминлаш, келгусида 100 гектар ерда интенсив боғ яратиш режалаштирилган.

Президентимиз бу ерда етиштирилаётган маҳсулотлар турини кенгайтириш, 5 минг гектарда анор, 5 минг гектарда лимон етиштиришни йўлга қўйиш, одамларнинг даромадини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида мева-сабзавот етиштириш, паррандачилик, чорвачилик каби тармоқлардаги истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишди.

Ангор туманида қурилаётган мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Angor Gold Fruits" масъулияти чекланган жамияти лойиҳасига мувофиқ 530 гектар интенсив боғ, уга минг тонна мева-сабзавотни сақлаш имкониятига эга муҳона қурилиш кўзда тутилмоқда.

Жаркўрган туманида қурилиш режалаштирилаётган "Фабулло строй сервис" масъулияти чекланган жамияти ҳам мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида 150 иш ўрни яратилади. Замонавий иссиқхонада 600 тонна мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади ва экспорт қилинади. Сигими 2 минг тонна бўлган замонавий музлатигида йил давомида 6 минг тонна маҳсулот айланади. Мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш ускунасининг қувватини йилга 8 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, мева-сабзавотларнинг ноанъанавий турларини кўпкор экиш ва қайта ишлаш, экспортни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Қизирқ туманида икки минг бош қорамол боқишга мўлжалланган замонавий чорва комплекси барпо этилмоқда. 762 гектар майдонда қурилаётган ва қиймати 11,5 миллиард сўм бўлган ушбу мажмуада йилга тўрт минг тонна сўт, икки юз тонна гўшт етиштирилади. 2,5 миллиард сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланадиган корхонада юздан ортиқ киши меҳнат қилади.

Президентимиз чорвачилик комплекслари билан биргаликда агрофирмалар ташкил этиб, сўт ва гўштни қайта ишлаш, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаб, экспортга йўналтириш зарурлигини таъкидлади.

Музработ туманида паррандачилик комплекси ташкил этилмоқда. Лойиҳа қиймати 5,5 миллион доллар бўлган мазкур мажмуада йилга 59,1 миллион дона тухум, 1,4 миллион жўжа ва 198 тонна товуқ гўшти етиштириш, 100 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Сентябр ойида ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу комплекснинг умумий майдони 15 гектар бўлиб, унинг 2,5 гектарида ишлаб чиқариш бинолари жойлашади.

Мажмуа раҳбарлари билан учрашувда одамларга жўжа ва ём етказиб бериб, оилалар фаровонлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев "Шеробод пахта тозалаш" акция-

дорлик жамиятида ингичка толали пахтани қайта ишлаш корхонаси, зараркунандаларга қарши курашишга қаратилган ишланмалар, лимон ва писта етиштиришга ихтисослаштирилган плантациялар лойиҳаларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Бу ерда олиб борилаётган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Президентимиз Термиз туманида ташкил этилган балкичилик комплекси лойиҳасини амалга ошириш ишларини бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини янада ошириш, халқимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида чорвачилик, балкичилик, паррандачилик каби соҳалар ривожига катта эътибор қаратилмақда. Барча ҳудудларда шу йўналишларга ихтисослаштирилган янги корхона ва ҳўжаликлар ишга туширилмоқда.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 186 балкичилик ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Энди улар сафига "Термиз агро фиш экспорт" агрофирмаси ҳам қўшилиди. Бу ерда балкиқ етиштириш билан бирга, балкиқ учун озуқа ишлаб чиқариш, балкиқ маҳсулотларини экспортга йўналтириш ишлари ҳам амалга оширилади.

Корхонада Вьетнам технологиялари асосида Африка лаққаси, карп каби балкиқлар етиштирилади. Илгор усуллари билан ажралиб турувчи ушбу технология балкиқ етиштириш самарадорлигини беш баробар ошириш билан аҳамиятлидир. Комплексада 500 тонна балкиқни қайта ишлаш, 105 иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Халқимиз балкиқни лўқмаи ҳалол деб аташида катта ҳикмат бор, деди Президентимиз. Унинг таркибида инсон саломатлиги учун жуда муҳим бўлган элементлар, витаминлар сероб. Сурхондарё балкичилик учун зарур табиий иқлим, сув захиралирига эга. Бундан унумли фойдаланиш, тармоқни янада ривожлантириш учун махсус дастур ишлаб чиқиш керак. Балкичиликни чўқур ўлаштиришга мутахассислар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш лойиҳаси билан танишди.

Лойиҳада вилотдаги гидротехника иншоотлари, канал ва бошқа сув тармоқларини реконструкция қилиш, янгиларини қуришга қаратилган 122,7 миллион долларлик чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Унинг 89,5 миллион доллари Ислон тараққиёт банкнинг кредити ҳисобига қопланади. Натижада вилотнинг Шеробод, Саросиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Бойсун, Қумқўрган туманларидаги 103,5 минг гектар майдонда сув таъминотини яхшилашга эришилади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига қарашли "Термиз марвариди санаторияси" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган реконструкция ишларини кўздан кечирди.

Ўқичил сув омбори бўйидаги баҳаво ҳудудда жойлашган ушбу сихатгоҳда беморлар физиотерапия ва маъданли сув, қум ва қуёш нурулари билан даволанади.

Бугунги кунда сихатгоҳнинг 80 ўринли биноси тўлиқ реконструкция қилинди. Кейинги босқичда 60 ўринли янги бино қуриш ва уни илгор тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш, ҳудудда болалар майдончаси, футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи ва бошқа спорт турлари билан шугулланишга мўлжалланган стадион ва майдончалар барпо этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мазкур ҳудудда том маънодаги замонавий дам олиш комплексини бунёд этиш бўйича тегишли топиширилган берди.

Шавкат Мирзиёев Ангор туманида Хитой билан ҳамкорликда ташкил этиш режалаштирилган "Huashen Silkworm Pro" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона лойиҳаси билан танишди. Жорий йилда фойдаланишга топиширилган ушбу корхона ипак қурти етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда 3 минг 700 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Сурхондарё вилояти ипакчилик соҳасида катта тажрибага эга. 2016 йили 3 минг 394 фермер ҳўжалиги томибани қарийб 1 минг 553 тонна пилла етиштирилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа билан танишар экан, Сурхон воҳаси маҳсулдор ипак қурти парваришлаш учун қўлай табиий иқлим шароитига эга эканини таъкидлади.

Янги корхона мамлакатимиз энгил саноатини сифатли хом ашё билан таъминлаш, воҳа аҳолиси учун янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига сафари давомида Ангор туманидаги Занг гиламбўб қишлоғида Шоди бобо Хушбобов хонадонига бўлди. Шавкат Мирзиёев Шоди бобо ва у кишининг умр йўлдоши Саломат момо билан оиланинг кундалик ҳаёти, фарзандлар касб-кори ва набиралар тарбияси тўғрисида суҳбатлашди.

Сизлар каби кўпни кўрган, юздан нур ёғилиб турган отахон ва онахонлар жамиятимизнинг мустаҳкам замини, юртимизнинг файзу баракасидир, деди Президентимиз.

Ердан унумли фойдаланилса, Сурхондарё шароитида йилда уч мартагача ҳосил олиш мумкинлиги, ҳаракат қилган одам ўзини ҳам, халқини ҳам бой қилиши таъкидланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, истиқболдаги режа ва эзгу мақсадлар ҳақида сўз юритилди.

Хонадон эгалари давлатимиз раҳбари халқ ичига кириб, одамларнинг фикрини ўрганаётгандан юртдошларимиз жуда мамнун бўлаётганини таъкидлади. Одамлар оғирини энгил қилиш, турмушини янада фаровон этиш борасидаги улкан, тизимли ишлари учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Шеробод туманидаги "Фуржак-1" массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар, бу ерда аҳоли учун яратилган шароит билан танишди.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари халқимизга, аввало, фарзандларимизга ҳеч қимдан кам бўлмаган имкониятлар яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги "Фуржак-1" массивида қисқа муддатда 32 хонадондан иборат 2 қаватли иккита, ҳўжалик иморатлари ва ҳовлиси бўлган бир қаватли ўнта шинам уй бунёд этилиб, фойдаланишга топиширилди.

Замонавий ва миллий меъморлик андозалари асосида қурилган янги массивда ижтимоий инфратузилма объектлари, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилган. Уйлар табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари ёш оила – Ўқтам Абдуллаев ва Малоҳат Жумаева хонадонига бўлиб, уларни янги уйга қўчиб ўтгани билан табриклади. Янги уйда ёш оила бахтиёр ва фаровон яшаши учун яратилган қўлайликлар билан қизикди: 3 хонали уйнинг ҳовлисида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экиш учун томорқа бор. Хонадон соҳибининг бувиеси Каромат момо Абдуллаева кўркам, обод ва шинам уйлар олишда кенг имкониятлар яратилаётгани, бу ёш оилаларни қўлаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини айтиб, давлатимиз раҳбарини дуо қилди.

Шавкат Мирзиёев 16 хонадондан иборат икки қаватли уйда яшаётган уй соҳиблари билан ҳам суҳбатлашди. Халқимизнинг тобора ўсиб бораётган талаб ва эhti-ёлларини қондириш, улар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш бугунги кундаги асосий вазифалардан эканини алоҳида қайд этди. Мутасаддиларга вилотнинг қишлоқ массивларида аҳолига шаҳардагидан қилишмайдиган турмуш шароитлари яратиш, яқна тартибда уй-жой қуриш кўламини янада кенгайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Президентимиз Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Буюк аждодимиз ҳадис тўплашдан ташқари ҳуқуқшунослик, табиатшунослик, табобат, илми нуҷум, тилшунослик, ахлоқ ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳам асарлар яратган. Мусулмон оламида буюк муҳаддислардан бири сифатида машҳур бўлган улуғ алломанинг бебаҳо мероси бугунги кунда ҳам кенг ўрганилмоқда.

Шу кунларда бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мажмуа ёнидаги қабристон ободонлаштирилди, 4,5 километр йўлга асфальт ётқизилди, сув, электр энергияси ва газ тармоқлари тортилди.

Давлатимиз раҳбари мажмуани янада обод масканга айлантириш, қўлай шароитлар яратиш зиёратчилар оқимини кўпайтириш имконини беришини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шеробод туманида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан барпо этилаётган цемент заводи қурилиш билан танишди.

Сурхондарё вилоятида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, саноат корхоналарини техник ва технология янгиллаш, янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиш юзасидан қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда бунёдкорлик кўламини кенгайтириш, иқтисодиётнинг мазкур тармоғига эhtiёж тобора ортиб бораётгани қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этишни тақозо қилмоқда. Шу маънода ушбу заводнинг ишга туширилиши айна мударо бўлади.

Тумандаги "Вандоб" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этиладиган цемент заводи қурилиш саноатини замон талаблари даражасида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳа қиймати 212,8 миллион доллар бўлган ушбу саноат корхонасида йилга 1,5 миллион тонна портландцемент ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Корхона ишга туширилгач, бу ерда мингдан зиёд иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу завод нафақат вилот, балки мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Лойиҳачи ва қурувчилар билан суҳбатда қурилиш суъратларини жадаллаштириш, сифат ва муддатга алоҳида эhtiбор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда вилотнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёш авлодни тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эhtiбор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

2017 йил 13 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА



● Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақуруви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Қучлар резервида бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига кўра муддатли ҳарбий хизматга қақурилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● Навоийда барча дорихоналарда бўлиши мажбурий дори воситалари ва тиббиёт буюмлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзфармсанот" акциядорлик концерни ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, фармацевтика саноатини янада ривожлантиришга алоҳида эhtiбор қаратилаётгани таъкидланди.

● Урганчда аҳолини табиий ва исгазидан заҳарланишдан асраш, газдан қақнаш ва ёнган оқибатларини бартараф этишда авария тиклаш тузилмаларининг тегишли хизматлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари мавзусида махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди. Тадбирда газ таъминоти мутахассислари, вилот ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Жиззах вилотининг Шароф Рашидов тумани Учтепа қишлоғида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги уйлар фойдаланишга топширилди. Янги уйлар қишлоқ фуқаролар йиғини кенгаши тавсияси билан биринчи навбатда турар жойга эhtiёжманд ёш оилаларга берилди.



● ОПЕК ташкилотига аъзо давлатлар нефть қазиб чиқаришни қисқартириш бўйича келишувни 90 фоизга баржомқдалар.

● Буюк Британиядаги Кардифф университети геофизиклари ерда ҳар юз минг йилда музлик юзага келишининг сабабларига изоҳ беришди. Юз минг йилда кузатиладиган глобал совишни олимлар дунё океанининг атмосферадан карбонат ангидридни тортиб олиши билан боғлашди. Бугунги кунда эса антропоген омиллар туфайли тескари жараён кузатилмақда — карбонат ангидрид сувдан ажралиб, иссиқхона эффектига сабаб бўлмақда.

● Англиялик собиқ машҳур футболчи Дэвид Бекхэм шахсий ёзишмаларни ижтимоий тармоқларга жойлаштирган ҳакерларнинг нишонига айланди. Яъни, Бекхэм ўз ёзишмаларида ЮНИСЕФ ташкилотининг хайрия ишлари билан фақат рицарлик унвонини олиш учунгина шугулланганини тан олган. Ёзишмалардан бирида ҳатто унга фахрий унвонни раво кўрмаган Буюк Британия лордларидан норози бўлиб уларни ҳақорат қилган.

ЎЗА



ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлисидаги депутатлик корпуси фракция аъзолари, туман ва шаҳар партия кенгаши аъзолари, тадбиркорлар, прокуратура, солиқ, божхона, банк, ер кадастри, коммунал соҳа, стандартлаштириш каби ташкилотларнинг Тошкент шаҳар бошқармалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тўрабек Назаров олиб борди. Таъкидландики, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай шароитда тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини тинглаш, уларга ечим топиш энг долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида бу борадаги муҳим масалалар ўртага қўйилди. Маърузани қайта-қайта ўқиб, таҳлил қилмоқдамиз.

Йиғилишда сўзга чиққан ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мўхлиса Аромова Президентимизнинг "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" номли маърузасида билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдирди. ЎзЛиДеП томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишларнинг амалга оширилаётганини қайд этди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатидида тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўзларини қийнаб келаятган муаммоларни ўртага ташладилар.

Бир неча йилдан бери тикув цехи ташкил қилиб, тадбиркорлик фаолиятини олиб бораман, — дейди тадбиркор Шохид Хожиёва. — Ҳозир жойимиз торлик қилапти, бизга ноль қийматдаги яхши жой керак, шунда ишимизни янада ривожлантириб, фаолиятимизни кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари ташкил этишга имкон яратилади.

Давра суҳбатидида банк, божхона, солиқ, кадастр, стандартлаштириш идораси ходимлари тадбиркорларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Йиғилишда кўтарилган ҳар бир муносабат назоратга олиниб, унинг ижроси бўйича тегишли мутасаддиларга етказилиши айтиб ўтилди.

3. ШАРИФЖОНОВ

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ички ва ташқи бозор талабларини қондиришга йўналиштирилган, интеграциялаштирилган эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шу мақсадда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустақам меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Мамлакатимизда 2012-2016 йилларда хусусий мулкнинг ўрни ва таъсирини ошириш, бизнес юритиш учун қўлай шароитлар яратишга қаратилган 20 дан ортиқ қонун қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишдаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Мазкур Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожла-

нишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилишга ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашни янги босқичга олиб чиқди.

Фармонда ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхталишига ва зарар етказилишига йўл қўймаслик ҳамда давлат органлари ходимлари масъулиятини ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш ўз ифодасини топти.

Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини

режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинган.

Бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширишлар мустасно.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказиш фақат Республика Кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш куни билан чекланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "Иқтисодиётни бошқаришни янада либераллаштириш шароитида банк тизимининг барқарорлиги: қонунчилик ва амалиёт" мавзуда илмий-амалий конференция ўтказилди.

БАНК ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Марказий банк, унинг вилоят бошқармалари ва бўлимлари, манфаатдор вазирликлар ҳамда тижорат банкларининг масъул ходимлари, экспертлар, олимлар иштирок этган йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Т.Искандаров, Марказий банк раисининг ўринбосари Ш.Шо-аҳмедов ва бошқалар жаҳон бозори конъюнктураси шиддат билан ўзгараётгани, рақобат қулайлиги бўлаётгани Ўзбекистон учун янги стратегия ёндашувлар ва принциплари ишлаб чиқишни талаб қилаётганини таъкидлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилишини камайтириш, унинг рақобатбардорлиги ва очиклигини ошириш, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш, макро-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, банк-молия соҳасини тубдан ислох қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш каби вазифалар белгилаб берилган.

— 2017-2021 йилларда 40 миллиард долларлик 650 га яқин инвестиция лойиҳаси амалга

оширилиши мўлжалланмоқда, — дейди Марказий банк вакили Жаҳонгир Абдурасулов. — Шунингдек, банк-молия тизимини ривожлантиришнинг аниқ мақсадга қаратилган параметрлари банк тизими умумий капиталлини 2 баробар, депозитлар, жумладан, аҳоли омонатлари ҳажмини 2,1 баробар кўпайтиришни назарда тутди. Банклар ресурслар базасининг янада капиталлашуви ва мустаҳкамланиши ажратилаётган инвестиция кредитлари ҳажмини 1,7 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларни эса 2,2 баробар оширишни таъминлайди.

Конференцияда тижорат банкларининг активлари устидан мониторинг ўтказишнинг янги усуллари ва механизмларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва бир қанча қонунарига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар турли соҳалардаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича банкларнинг имкониятларини ва ресурслар базасини кенгайтириш, корпоратив облигациялар чиқариш орқали инвестиция салоҳиятини ошириш, миллий кредит ташкилотлари рақобатбардорлигини таъминлашга қаратилиши алоҳида қайд этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Муносабат

МАҲАЛЛА — ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Маҳалла тизимидаги янги ислохотлар халқимиз фаровонлиги йўлида муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юртдошларимиз, жумладан, тизим ходимлари томонидан қатъи қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Омила АРИПОВА,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси:

— Ҳар биримизнинг ҳаётимиз, яшаш тарзимиз, оилаларимиздаги маънавий муҳит ва фарзандлар тарбиясини маҳалладан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳамкорликда гап кўп, дейдилар. Президентимиз Фармонидида бу масалага алоҳида ўрин берилган. Яъни, фуқаролар йиғинлари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ йўналишлар назарда тутилган. Айниқса, ёш авлодни маънавий етук, жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, бандлигини таъминлаш, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, кекса авлод вакиллариини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида маҳалланинг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш кўрсатилиб ўтилган.

Ўзим ҳам соҳа мутахассиси сифатида шуни алоҳида таъкидла-

моқчиманки, олиб борилаётган ишларимизни қониқарли даражада дейишга ҳали эрта. Шу маънода Президентимизнинг ушбу Фармони ҳамкорлик масалалари билан боғлиқ камчиликларни бартараф қилиш ҳамда пировардида олдимизга қўйган эзгу мақсадларни рўйида қиқаришимизга замин яратди.

Баҳодир ОРИПОВ,
Яккасарой туманидаги "Дилбулак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалланинг обод ва кўркам бўлиши аҳолининг ҳамжихатлигига, ўзаро меҳр-оқибатига бевосита боғлиқ. Зеро, ахиллик бор жойда осойишталик, ободлик, хотир-жамлик бўлади. Бугун маҳаллага шунчалик кўп ваколат ва имконият берилмоқдаки, бунинг бир сўз билан ифодадаш қийин.

Шунингдек, вазифалар, қўламини янада кенгаймоқда. Бундай вазиятда маҳаллаларга ҳар томонлама қўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитларни ва қўлайликларни яратиб бериш жуда ҳам муҳим.

Президентимиз Фармонидида фидойи юртдошларимизни рағбатлантириш ва шу орқали фаолиятимизни янада такомиллаштириш инноватга олинган. Шу ўринда маҳаллалар фаолиятига яқиндан қўмаклашиб келаётган ташаббускор фуқаролар ҳамда жамоатчилик вакилларига бериладиган

"Маҳалла ифтихори" кўрак нишон таъсис этилишини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Бу ўз ўрнида, маҳаллага ҳолисона маълум қўлаб келаятган кишиларни янада фаол бўлишга ва сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди.

Сайдқарим СӨТВОЛДИЕВ,
Ўчтепа туманидаги "Кўркам-обод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда 4212 нафар фуқаролар истиқомат қилади, шундан 345 нафарини ёшлар ташкил этади. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Турли спорт тўғралақларимиз самарали ишламоқда. Бироқ, баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ вазифаларимиз ҳали жуда кўп. Фармонда маҳалла институтини ривожлантириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойишти борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янада жадаллаштиришга эътибор қаратилганлиги биз учун айни муддао бўлди. Шундан келиб чиқиб фарзандларимизни юксак маънавиятга, соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятимизни танқидий қўриб чиқажимиз ва келгусида ишимизни янада самарали ташкил этишга ҳаракат қиламиз.

Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни улар томонидан етказилган зарарлар қонун тартибидан қўриқлашга қаратилганлиги билан бир қаторларидан озод қилиш каби янги чораларни назарда тутди.

Қайд этиш лозимки, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий ҳазон қўлашши тақиқловчи норманинг Фармонда акс эттирилиши, ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектларини келгусида ушбу фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқлари чекланмаслигини кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармоннинг қабул қилиниши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омилли сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий говлар ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилгани билан алоҳида эътирофга лойиқдир.

Олимжон АЗИМОВ,
Миробод тумани прокурори ўринбосари

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ 2017 ЙИЛДА МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддиси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларининг (кейинги ўринларда матнда "транспорт воситаларининг" деб юритилади) 2017 йилда мажбурий техник кўригини (кейинги ўринларда матнда "техник кўриг" деб юритилади) ташкил қилиш мақсадида, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБ-нинг мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ва уларга тиркамалар 2017 йилда белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.
- Тошкент шаҳрида транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини 2017 йил учун мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Тошкент шаҳрида транспорт воситалари жорий йилда қуйидаги даврийликка мувофиқ:
тижорат асосида йўловчилар ташуш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар, трамвайлар ва ўтирилаётган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташуш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазили ва хавфли юкларни ташуш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар — бир йилда икки марта (биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача);

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага қиради) транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташуш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар, трамвайлар ва ўтирилаётган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташуш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазили ва хавфли юкларни ташуш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалардан ташқари) — икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташуш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар ва ўтирилаётган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташуш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазили ва хавфли юкларни ташуш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалардан ташқари) — бир йилда бир марта;

тирккамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтказиладилар.

4. Юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўригини 1 мартдан 30 июнгача ўтказиладилар.

5. Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўригини 1 январдан 31 августгача ўтказиладилар.

6. Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йнғим ундириладилар.

7. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБ (Б.Маменов), туман ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқилик қўшнларни, Миллий хавфсизлик хизматининг харбий бўлималари транспорт воситаларини кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши инноватга олинсин.

8. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБ (Б.Маменов): транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали омма эътиборига етказиш ишлари ташкиллаштирилсин;

юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда юридик шахсга, тегишли ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, техник кўриқ ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилиши, техник кўриқ бошлангишидан камида ўн кун олдин белгиланган тартибда юридик шахсдан тегишли ҳужжатлар талаб қилиниши;

жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда, техник кўриқдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда транспорт воситаси эгасидан ёки унга ваколатли шахсдан тегишли ҳужжатлар талаб қилиниши;

техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқарган комиссия таркибидидаги масъул ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

9. Мажбурий техник кўриқ давомидида комиссия таркибидида иш олиб бортан ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолиниши инноватга олинсин.

10. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2017 йил 8 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Маънавият — ақл кўзгуси

Жуда кўп ҳолларда инсонлар бир-бирига бахт-саодат тилаб, яхши ниятлар қилишади. Албатта, “Яхши ният — ярим давлат” дейди доно халқимиз. Бахт ўзи нима — унинг ўлчови, миқдори борми? Кимни бахтли ва кимни эса бахтсиз деймиз? Изоҳли луғатларда “Бахт” — ҳаётдан тўла хурсандлик, мамнунлик, беармонлик ҳолати, дея таъриф берилган.



БАХТ-САОДАТ КАЛИТИ

“Саодат” эса энг улуг бахт, юксак иқбол каби маъноларни беради. Демак, умуман олганда бахт ва саодат бир-биридан фарқ қилар экан. Бахт сўзининг маъноси саодат сўзининг маъносига қараганда бир оз торроқ кўринади.

Хар биримиз ҳам ҳаётимиз давомида маълум бир бахтли онларни бошимиздан кечирамиз. Шунда ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз. Масалан, кимгадир лоторейдан машина ютуғи чиқса, ўзини бахтиёр деб билади. Яна кимдир узоқ йил бефарзанд бўлсаю, сўнг фарзанд кўрса, дунёда ундан бахтиёр инсон йўқдек туюлади. Хуллас, бахтли онлар баъзан тасодифан, баъзан уни узоқ йил кутгач келиши мумкин.

Саодатга эришиш тўсатдан бўлмайди. Энг улуг бахтга эришиш, яъни саодатга етмоқ эса машаққатли ва узоқ бўлган ҳаётий йўлни катта қийинчиликларни енгиш эвазига, гўзал хулқ ва солиҳ амаллар калитига эга бўлиш орқали эришиш мумкин бўлади. Бундай саодатга эришиш учун эса киши ўзининг хулқи-одобини мукаммал қилиш, ёқимли муомала ахлоқини ўзида шакллантириш учун тинмай илм олиши зарур бўлади.

Бу оламга келиб қолишнинг ўзи катта бахт. Шу билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Негаки, биз қодир Аллоҳнинг тенгсиз мўъжизаси сифатида яратилганмиз. Демак, улуг бу ишончга лойиқ бўла олишимиз керак...

Шукрона

БАҒРИКЕНГ ИНСОНЛАР ШАРОФАТИ

Ҳаётда нималар бўлмайди. Умримиз гўё тўрт фаслга ўхшайди. Баъзан ишлар қаторасига юришиб, ҳаммаёқ гўзал бахор, тўкин ёз ва тароватли куз кунлари каби кунингизга куч, ишларингизга илҳом бағишлайди. Шундай дамларда: “Яшаш қандай яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши!” дегинг келадди...

Афсуски, ҳар доим ҳам шундай эмас. Баъзан толе чаппасига кетади: ҳаётда изгиринли совуқ кунлар, қутилмаган бўронлару бе-аёв довуллар ҳам бор. Шундай дамларда беихтиёр таянч қидириб қоласиз, яхшиларнинг кўмагига илҳақ бўласиз. Айниқса ёшингиз бир жойга бориб қолган бўлса.

Ҳа, бу оламда яшар эканмиз, бошига иш, ташвиш тушмайдиган одам йўқ. Бизнинг ҳаётимизда ҳам шундай ҳолат юз берди. Болаларимнинг онаси анча оғир дардга чалиниб қолди. Болаларим билан дарров хабарлашдик. Ўғлимиз тез фурсатда етиб келиб, ойисини тегишли шифохонага ётқизди.

— Энди уйга кетсак ҳам бўлар, — деди ўғлим. — Ойим шифохонадан чиққунча бизникида яшаб турсиз...

Яна ҳар доимгидек қайсарлигим тўтди.

— Сен ва келин ишда, набираларим мактабга кетишади. Яхши-си, мени “Дўрмон” ижод уйига элтиб қўя қолгин, маслакдошларим билан юз қуришиб, баҳоли қудрат қалам тебратай.

— Ахир уларнинг хабарлари йўқ, жой бўлмаса-чи.

— Ҳозир кўнгирок қиламиз-да.

— Лаббай, эшитаман.

— Абдусаттор, ўзингизмисиз? Мен Асад акангизман, “Дўрмон”га бораётган эдим, бўш жой борми?

— Бемалол келаверинг, оқсоқол, қандай шароитли хоналарни хоҳлайсиз? Мабодо мен бўлмасам, Мансуржон бор, ўзингизга ёққан хонага жойлаштириб қўяди...

Овози ҳам, юзи ҳам, ўзлари ҳам ёқимли йигитлар мени ижодкорлар масканида кутиб олдилар. Уйига хотиржам қайтаётган ўғлимнинг олдида ҳам юзим ёруғ бўлди.

Салкам эзлик йил бирга умр кечирган кадрдон одамнинг билан айро тувиш қанчалар оғир! Амаллаб тонг оттириб, “Дўрмон”дан катта йўл сари секин борапман. Озгина юрган эдим, ортимдан машина овози эшитилди. Чеккага чиқиб йўл бўшатдим. Қўл кўтармасам-да, енгил машина ёнимга келиб тўхтади.

— Йўл бўлсин, оқсоқол!

— Метрога...

— Утиринг, — деди овози ҳам, ўзи ҳам, сўзи ҳам ўктам йигит. Бир зумда “Буюк ипак йўли” бекатига етдик. Машинадан тушиб, ҳайдовчига пул узатдим.

— Савоб ҳам керак-ку, оқсоқол, — йигит машинасини юргизишга чоғланди.

— Ҳеч бўлмаса, исмингизни айтинг?

— Баҳодир.

— Ҳақиқий баҳодир экансиз, отингиз ҳеч қачон қоқилмасин! — ортиндан дуо қилиб қолдим...

Умр йўлдошим ҳам анчадан бери қараб қолибди, шифокорлар беморларнинг бошларига парвона. Ҳаммаларининг оғизларида кўнгилли бир гап: Юртбошимиз омон бўлсинлар, ёруғ юзли инсон экан, шифо масканлари-ю шифокорларгача алоҳида эътибор бераяптилар...

Бундай самимий дил изҳорларини ҳамма жойда эшитиб борардим. “Омон бўлсин раҳбарларимиз, юрт ободлиги, халқимиз фаровонлигига алоҳида эътибор қаратмоқдалар, Аллоҳ паноҳида ас-расин, ёмон кўзлардан сақласин...”

Шу ўринда: “оилавий тавишларингиз нима бўлди?” дерсиз. Аллоҳимга минг шукрлар бўлсинки, фидойи шифокорлар, атрофимиздаги меҳри дарё, баррикенг одамлар шарофати туфайли хонадонимиз чироғи тузалиб бағримизга қайтиб келди!

Асад АСИЛ

Ёшлар — келажагимиз

ТАРБИЯ МЕЗОНЛАРИ

Узоқ йиллар мобайнида бир касбда ишлаган киши ва айниқса бу фаолият таълим-тарбия соҳасида бўлса, баъзи нарсалар устида мулоҳаза юритаверар экансан. Бу мақолани ёзишимга эндигина атак-чечакни бошлаган қизалоқ набирам сабаб бўлди.

У катталардан кимни кўрса унга талпиниб, митти қўлчаларининг ҳар иккисини кўксига қўйиб “Ассалом” ишорасини қилаверади. “Ассалом қил” даданга дейилса, гўдак қайта-қайта унга завқ бахш этаётган саломлашиш ҳаракатларини қилаверади. Ёш болалардаги илк яхши хислат биргина менинг набирамда эмас, балки барча болаларга хос одат. Улар бир ёшга етар-етмас ана шу ҳаммага ҳузурбахш, айниқса ота-онани хурсанд қилувчи калимани ўрганади. Шунда фарзанд яратган томонидан инъом этилган илоҳий неъмат эканлиги, инсон бир умр бажариши керак бўлган яхши фазилатлар қуртаклари унинг гўдакчилигиданоқ тез ўзлаштирилиб намоён қилинишидан ҳайратга туҳасан киши.

Дарҳақиқат, болани катта қилиб вояга етказиш, унга тўғри тарбия бериш машаққатли ва шарофатли иш. Кўчада болаларини кўтариб ёки етлақлаб кетаётган ёш оналарни кўриб, уларнинг сабр-бардоши ва меҳнатига қойил қоламан. Бир йўла ҳам ўқиш ва ишни, оилани, жамоат ишларини эплаётган аёлларга тасанно айтгинг келадди. Уларга ҳар жиҳатдан ёрдам қилиш, оғирини енгил қилиш ҳаммамизнинг бурчи деб ўйлайман. Мен кўчада, транспортда юрганимда ёш болаларнинг ёши катталарга салом берганини кўрсам, дарров ота-онасини олқишлайман. “Эй, баракалла сингилм, яхши тарбия берибсиз болаларингизга”, дейман. Биласизми, ёш оналарнинг бегона йўловчидан эшитган ушбу рағбатидан хурсандлиги уларнинг табассумидан билинади. Албатта, салом берган болани ҳам рағбатлантириш тарбия жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Биз ёшлигимизда эртақларда ботир дев ёки ялмоғиз кампирга дуч келиб қолса биларини сўзи салом бўлгани учун салбий қучлар “Агар саломинг бўлмаганда бир ямлаб ютар эдим” деб эртақларнинг давоми биргина яхши салом учун ижобий томонга бурилиб кетар эди. Эртақлардаги бундай лавҳаларнинг жуда катта тарбиявий аҳамияти бор эди. Бундай эртақлар болаларга одамлар билан рисоладагидек саломлашиш яхши одат ёки унга тескари амал саломлашмаслик ёмон одатлар жумласига киришини маҳорат билан намоён этади. Нимагадир ҳозирги эртақларда шундай парчалар кўринмаяпти.

Саломлашмаслик ҳақида доно халқимизда қораланиб келган. Хафагарчилик, гина-қудурат аломати бўлган. Ёш гўдакнинг илк кўникмалари саломлашиш бўлган, демак бу одатни илоҳий деб ҳисоблашимиз мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, акса-

бия беришлари, шахсий ибрати, ҳалол ва пок меҳнати, юксак инсоний фазилатлари билан намуна бўла олмагани қўйилган юксак мақсадларга муваффақиятли равишда эришиш мумкин бўлади. Бу борада доно халқимизнинг ажойиб ўғитлари ҳам бор: “Бола азиз — одоби ундан азиз”, “Нима эксанг — шуни ўрасан”, “Қарс икки қўлдан чиқади”.

Умуман олганда, оилавий бахтнинг асосан икки устуни — бири эркак бўлса, иккинчиси аёлдир. Агар бу устунларнинг бири бир оз оға бошласа, оила деб аталмиш уйнинг мувозанати йўқола бошлайди. Лекин, оила уйининг замирини, асосини ота-оналар белгилайди. Аслини олганда шу асос мустаҳкам бўлмоғи керак. Устунлар мустаҳкам бўлсаю, асоси бўш бўлса, албатта, бундай оила уйининг тез вайрон бўлиши табиийдир.

Демак, бахтли-саодатли оила бўлиши учун, аввало, унинг асоси бўлмиш ота-оналар орасидаги ўзаро муносабатларда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва албатта ҳам-жихатлик билан бирга кечиримли, сабр-тоқатли бўлишлари талаб қилинади. Шунда оила мустаҳкам ва бахтли бўлади.

Ҳамиджон ТОҲИРЖОНОВ

Тадбирлар

МИЛЛИЙ ИФТИХОРИМИЗ

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаларидан саналади. Улар қолдирган улкан адабий мерос адабиётимизни ўрганишда, маънавиятимизни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шу боис бу икки буюк аждодимизнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида порлоқ машъала сингари кўнгилларни ёритиб, қалбларга зинъ таратиб тураверади.

Тошкент фармацевтика институтида ўтказилган “Алишер Навоий ижодида миллий-маънавий ҳазинамиз дурдонаси, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ватанпарварлик туйғуларининг тарғиб этилиши” мавзусидаги адабий-бадвий кечада улуг аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз борди.

Тадбирда мазкур институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори О.Худойбердиев, Ўзбекистон халқ шоири С.Сайиди ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш, улуг аждодларимизнинг ўлмас меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, унинг мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгу шуғурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Навоий ва Бобур ижодий меросига эътибор тобора юксалиб бораётир. Улуг аждодларимизнинг ижод намуналарини жаҳон халқлари тилларига таржима қилишга қизқиш кучайиб бораётгани ҳам эътиборга моликдир.

— Икки улуг аломанинг серкирра ижоди асрлар мобайнида инсонларни эзгуликка, ҳамжихатликка, илм-маърифатга қорлаб келмоқда, — дейди Тошкент фармацевтика институти Тиллар кафедраси ўқитувчиси Нигора Ашурова. — Жумладан, талаба-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқараш, билим ва тафаккурни кенгайтиришда Навоий ва Бобур асарларининг тарбиявий аҳамияти ҳам муҳимдир.

Тадбирда икки буюк аллома асарларининг ёш авлод тарбияси ва маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Навоий ғазаллари, рубоилари ва Бобур ижодида бағишлаб ёзилган муҳаммаслардан парчалар ўқилди.

Тошкент иқтисодий коллежида ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам юқоридаги мавзуга бағишланди.

Анжуманда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган бебаҳо мерос, айниқса ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат, фидойилик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилиб келаётгани таъкидланди.

— Бугунги глобаллашув даврида Навоий ва Бобур асарларида улғуланган тинчлик ва оқилоллик, адолат, бунёдкорлик туйғуларига қайта-қайта мурожаат этиш, инсонни камолотга етакловчи эзгу қояларни баркамол авлод онгига сингдириш долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова.

Анжуманда ўқувчилар томонидан Алишер Навоий ва Бобур ғазалларидан парчалар ўқилди ва улар ижодини тарғиб қилувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 17 март кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. ЖИБ Юнусобод туман судининг 2016 йил 21 декабрдаги №1-1001/2016-сонли ажримини асосида берилган Тошкент ш. Мировод т. СИБ томонидан №633-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

2013 й/и/ч. д/р/б 01V927QA, хаворанг, носоз ҳолатдаги “SPARK” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳо-си 29642564 сўм.

ЖИБ Олмазор туман судининг 2016 йил 22 декабрдаги №1-787/2016-сонли ажримини асосида берилган Тошкент ш. Мировод т. СИБ томонидан №635-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1976 й/и/ч. д/р/б 01F758EA, жигаранг, носоз ҳолатдаги “BA3-2106” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳо-си 5258130 сўм.

ЖИБ Олмазор туман судининг 2016 йил 28 октябрдаги №1-667/2016-сонли ажримини асосида берилган Тошкент ш. Мировод т. СИБ томонидан №634-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

2010 й/и/ч. д/р/б 01W446EA, оқ рангли, носоз ҳолатдаги “МАТИЗ” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳо-си 20290625 сўм.

Автомобилларнинг автотранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омиборхонаси, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 27-уй.

Мировод т. СИБ томонидан №32469-сонли ижро иши асосида хатланган: “Зафар-И” ХИМТК божхона омиборида сақланаётган:



1. 10 та генератор, техник носоз ҳолда, ҳар бирининг бошланғич нархи 10 000 000 сўмдан.

2. 3 та электросварка, техник носоз ҳолда, ҳар бирининг бошланғич нархи 1 800 000 сўмдан.

3. 7 та гидро электро пайвандлаш аппарати, техник носоз ҳолда, ҳар бирининг бошланғич нархи 2 000 000 сўмдан.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдолардан 1 (бир) иш кунини олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳоининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган за-калат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва са-насини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Маълумот учун телефон: +99898 308-19-57 Ғувоҳнома 5477

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси



Спорт янгиликлари

ЭРТАМИЗНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИЛАРИ

Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Биринчи Президентимиз томонидан асосий вазибалардан бири сифатида қаралган ва бу борада юртимизда 25 йил ичида мисли кўрилмаган ишлар олиб борилди.

Болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришга қаратилган кенг қўлланма ислохотлар меваси сифатида жaxon ва олимпия майдонларида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтарган минглаб ёшларимизни мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу натижаларнинг негизида спортга бўлган эътибор, уч босқичли спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” ўйинлари Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган, юрт шаъни, халқ гурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Бугунги кунда мактабларимизда таълим-тарбия бериш билан биргаликда турли хил спорт тўғрисида фаолият юритилмоқда. Мирзо Улуғбек тумани Халқ таъ-

лими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидоги 275-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ўғил-қизларимиз учун спорт тўғрисида фаолият юритиб келмоқда. Ўқувчиларнинг қизиқишидан келиб чиқиб мактабда футбол, шахмат-шашка, гимнастика, қўл тўпи, баскетбол, волейбол, стол тенниси каби ўнлаб спорт турлари мунтазам фаолият юритаёпти. Мазкур тўғрисида Мавлуда Икромова, Фарид Бердиева, Дилшод Бобоқулов каби мактабнинг тажрибали ўқитувчилари болаларга сабоқ беришмоқда. Мактаб ўқувчилари туманда ўтказиладиган барча мусобақаларда совриндорлар қаторидан жой олаётганини, “Қамолот – 2016”нинг туман босқичида иккинчи ўринни олганлиги ўқитувчиларнинг кучига-куч қўшиш билан биргаликда ҳолисона меҳнат-

ларининг самараси десак, муболага бўлмайди. Шундай мусобақалардан бири 211-умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Чилонзор туманидаги А.Хлебешкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйда ташкил этилган футбол бўйича мусобақадир.

Мусобақаларда туманда жойлашган 211-, 275-, 222-мактаб ўқувчилари ҳамда 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўз жамоалари билан иштирок этишди.

Мусобақа сўнггида голиб деб топилган жамоаларга мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Бу каби мусобақалар мактаб миқёсида мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Ҳозирда туман миқёсида совриндор бўлиб ўз устозларини ва ота-онасини хурсанд қилаётган ёшларимиз, вақти келиб ўз ютуқлари билан Ўзбекистонимиз довуғини дунёга танитишига ишонимиз.

Санжар ЭРДАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Халқ ижодиёти маркази мутахассиси

ХОРИЖ ЙИҒИНИ ҒАЛАБА БИЛАН
БОШЛАНДИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўқув-машғулот йиғини ўтказиётган пойтахтимизнинг “Локомотив” жамоаси Туркменистоннинг “Олтин Аср” клубига қарши кечган дастлабки ўртоқлик баҳсини 1:0 ҳисобидаги ғалаба билан якунлади.

Ушбу учрашувда “Локомотив” мураббийлари имкон қадар барча футболчиларнинг имкониятларини синовдан ўтказишди.

Мурасасиз ва қизиқарли кечган баҳсда темирйўлчиларга ғалаба келтирган ягона голни 7-дақиқада Жалолдин Машарипов рақиб дарвозасига киритди. Йиғин давомида “Локомотив” жамоаси Босния ва Герцеговинанинг “Сараево”,

Козоғистоннинг “Ордабаси” ҳамда Украинанинг “Заря” клубларига қарши ўртоқлик учрашувларида куч синишлари режалаштирилган.

Дарвоқе, аниқ маълумотга таяниб шунга айтишимиз мумкин, “Локомотив” жамоасининг 55 ёшдан ошган мухлислари команда иштирокида ўтадиган жорий йилги барча учрашувларни “Локомотив” стадионида бепул томоша қилиш

ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу ҳақда клуб маркетинг хизмати вакили шундай хабар тарқатди. “Локомотив” иштирокидаги миллий чемпионат ўйинлари, Ўзбекистон кубоги баҳслари ҳамда Осиё чемпионлар лигаси турнири учрашувларини стадионда бепул томоша қилиш ҳуқуқига эга бўлган 55 ёшдан ошган мухлисларга алоҳида сектор ажратилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

КАМЕРУНЛИК ФУТБОЛЧИ
ТАРКИБГА ҚЎШИЛДИ

Бу йилги олий лига мавсумида Фарғонанинг “Нефти” жамоаси юқори марраларни кўзлаган кўринади.

Андрей Фёдоров янги мавсум аввалидан жамоани тарқ этган бир қатор тажрибали футболчилар ўрнини легионерлар билан тўлдиргани мақсад қилган. Дастлабки маълумотларга кўра, “Нефти” сафига икки нафар белорусиялик футболчи Сергей Концевой ҳамда Дмитрий Комаровский келиб қўшилишган эди. Ўтган мавсуми Белорусиянинг “Ислочь” жамоасида ўтказган ҳимоячи Дмитрий Комаровский ва Минскнинг “Динамо” жамоасида фаолият юритган буйдор ярим ҳимоячи Сергей Концевой жамоа кўригида бўлиб туришибди.

Энди бўлса, “Нефти”нинг Туркиядаги машғулотларига камерунлик ҳужумчи келиб қўшилди. Камерунда туғилиб, бугунги кунда эса Белорусия фуқароси ҳисобланадиган ҳужумчи, 25 ёшли Терентий Луцевич ўтган мавсуми Белорусиянинг “Торпедо-БелАз” жамоасида ўтказди. Фаолияти давомида Белорусиянинг бир қатор жамоаларида тўп сурган, бўйи 1,93 см. бўлган ҳужумчи аини пайтда Андрей Фёдоров кўл остидаги жамоа сафида шуғулланмоқда.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

“TOSHSANHARNUR” давлат унитар қорхонасида кўча чироқларининг ишлаши билан боғлиқ бўлган мурожаатларни тезкорлик билан кўриб чиқиш мақсадида фуқаролар қабулхонаси фаолият юритиб келмоқда.

Қабул ҳар куни соат 08:00 дан 11:00 гача.

Манзилимиз: Сергели тумани, Қумариқ кўчаси-3. Тел: 250-57-57

Telegram: +99895 196-20-20 e-mail: nur2016@mail.uz http://tashshaharnur.uz/questions

Бундан ташқари қорхонанинг марказий диспетчерлик хизмати томонидан фуқароларнинг ариза ва таклифлари кечаю кундуз қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: 230-20-20, 232-20-20, 250-44-71

Тошкент шаҳрининг барча туманларида фуқаролар қабулхоналари қуйидаги манзилларда мунтазам фаолият юритиб келмоқда

Бектемир тумани, М.Авезов кўчаси, 8-А уй
Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 554/1-уй
Мирзо Улуғбек тумани, Т.Малик кўчаси, 14-А уй
Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 27-уй
Сергели тумани, Йўлдош 6-даҳаси, 5-уй
Учтепа тумани, Чилонзор 13-мавзе, 14-уй

295-05-50
291-80-56
265-11-90
246-87-03
215-25-34
278-37-18

Чилонзор тумани, Қурилиш кўчаси, 5-уй
Шайхонтохур тумани, Гулҳаной кўчаси, 22-уй
Юнусобод тумани, Анорзор 2-тор кўчаси, 1-берк 1-А уй
Яккасарой тумани, Братислава кўчаси, 5-А уй
Яшнобод тумани, Чигил кўчаси, 18-А уй

288-20-33
245-57-04
212-10-53
215-59-17
296-16-48

“101”

ЁНҒИНГА БЕФАРҚ
БЎЛМАНГ!

Олов – “тилсиз ёв”. Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамиша ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, уларнинг олдини олишда аҳолини жалб қилишдан иборатдир.

Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсада мувофиқлигини эслатиш жоиз:

– очик алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;

– электр ва газ асбобларини доимо соғ ҳолда тутиш.

Юқоридаги қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойини қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, кўнлар совиши ҳар бир инсонни хонадонларни иситишга ундайди. Кўплаб фуқароларимиз шу ниятда кўнбола ясалган газ ва электр ускуналарида фойдаланиб, натижада нафақат уйларида, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар.

“Тилсиз ёв” билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига боғлиқ эмас. Балки бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. “Ўз уйингни ўзинг асра” шiori ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, қорхона, муассаса учун тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим.

М.РИСБЕКОВ,
12-ХҲО 24-ХҲК кичик
инспектори, кичик сержант

Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам ундан тўғри фойдаланмайди. Кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида юзага келмоқда.

Агар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойи, ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Шунда олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам фарзандларимизни назоратсиз қолдирмаслигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишимиз “тилсиз ёв”нинг олдини олишга ёрдам беради. Биз юрдошларимизни ёнғинни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатга қарши курашишга чорлаймиз. Ўзимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишимиз билан бирга, атрофдагиларимизни ҳам шунга ундашимиз, фарзандларимизга ўргатишимиз зарур. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам ҳамшаҳрларимизни белгиланган қоидаларга эътибор беришга, очик оловдан фойдаланганда эса хавфсизлик чораларини кучайтиришга чакирамиз.

З.АКАБОВ,
24-ХҲК 8-ХҲК а/п
смена бошлиғи, капитан

Яхши ният билан уй қураимиз. Унинг кўркам ва шинам бўлиши учун безаймиз, жиҳозлаймиз. Аммо биргина эҳтиётсизлик оқибатида буларнинг барчаси ҳавога учиб кетиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаймиз.

Гап шундаки, озгина бепарволик, эҳтиётсизлик ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Дейлик, газни ўтказишда резина шланглардан фойдаланилди. Қулайлик ва осон йўл тўтилган шу ҳолда ёнғин чиқиши бир неча баробарга ортади. Яъни резина шланглар тез ёрилиши, ёрилиши, узилиши сабабли ундан газнинг сиғиб чиқиш ҳолати пайдо бўлади. Хонада газ ҳидини билмай гугурт чақилиши ёки бошқа ўқун чиқувчи воситалардан фойдаланиш оқибатида ёнғин содир бўлиши мумкин.

Ташкилот ёки хонадон ишлаб чиқариш объекти бўлгани, қаердаки, табиий газдан нотўғри фойдаланиш, техник талабга жавоб берадиган газ ускуналари қўллаш ҳолатларига йўл қўйилар экан, ўша жойга ёнғин хавф солиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, ҳар бир хонадон ва ишшоотларда қонун бўзилиши ва қоидабузарликларга қарши курашда жамоатчиликнинг масъулиятини янада оширишимиз керак.

Ҳ.ҲОШИМОВ,
3-ХҲБ 12-ХҲК алоҳида
пости кичик инспектори, сафдор



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 14 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан (ёмғир, қар) ёғади. Фардан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража соғуқ,

кундузи — 3-5 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 14 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



1234567890123

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Буюртма Г- 235

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Навр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12148 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.10